ЎзССР Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР


# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1993 йил 26 январь
СЕШАНБА
№ 11 (5.454).
НАРХИ:
ОБУНАЧИГА 3 СЎМ.
СОТУВДА 5 СЎМ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган


# МИНСК УЧРАШУВИ: ЯКУНЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР





## Станислав ШУШКЕВИЧ: «ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ХУШАХЛОҚ СИЁСАТ ЎТКАЗМОҚДА»

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг олий даражада Минскда ўтказилган учрашуви ниҳоясига етди. Кўпдан-кўп нохуш тахминларга қарамай, бу ҳамдўстлик барҳам топиш бир ёқда турсин, ҳатто ўз мавқеини мустаҳкамлади. Бу — ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг Беларусь пойтахтидаги учрашувдан кейин чиқариш мумкин бўлган энг муҳим хулосадир. Илгари олий даражада ўтказилган ҳамма учрашувлардан фарқли ўлароқ сўнгги учрашув энг муҳим сиёсий ва иқтисодий масалаларни амалий равишда вазмин ҳал этганлиги билан ажралиб туради.

Суверен республикаларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари муҳокамасига 14 та масала киритилган эди. Уларнинг ҳаммаси ҳамдўстликдаги ҳар бир мустақил давлат учун ҳаётий муҳим эканини таъкидласак муболаға бўлмайди. МДҲнинг низоми, давлатлараро банк ва иқтисодий ҳамкорлик маслаҳат кенгашини тузиш, стратегик ядро кучларини тақсимлаш, Тожикистон билан Афғонистон ўртасидаги чегарани мустаҳкамлаш учун МДҲнинг тинчлик ўрнатувчи ҳарбий бўлинмаларини юбориш, фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш энг муҳим масалалар жумласига кирар эди. Кўпгина муаммолар юзасидан келишиб олинди. Бунинг маъноси шуки, мустақил давлатларнинг раҳбарлари музокарадошларнинг фикри ва далилларига кўпроқ вазминлик ва хайрихоҳлик билан қарай бошладилар. Аммо бундан келишувчилик сиёсати тактикаси танлаб олинди, деган маъно чиқмайди. Ҳар бир раҳбар ўз давлати ва халқининг манфаатини кўзлаб иш тутганлиги табиий.

— Ҳозирги ривожланиш босқичида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги зарур, — деб ҳисоблайди Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов.— Собиқ Иттифоқ Республикалари ҳозир жиддий иқтисодий қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Шу сабабли ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилмасдан бошқа илож йўқ. Аммо шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, икки томонлама муносабатлар шундай ҳамкорликнинг негизи бўлиши мумкин ва лозим. СССРни ҳар қандай тарзда қўмсашга мутлақо қаршиман. Тарих ғилдирагини орқага буриб бўлмайди.

Ўзбекистон Президентининг фикри Минскдаги МДҲ биноси ёнига йиғилган намойишчиларнинг фикрига кўп жиҳатдан мос келади. Бу ерда ўта ўнг партиялардан тортиб либерал партияларгача бўлган кучларнинг намояндалари бор эди. Биз ўзбек телевидениеси гуруҳи билан биргаликда социология сўрови ўтказдик. Бу сўров Иттифоқни қайта тиклашдан ҳеч бир маъно йўқ, деган аниқ-равшан хулоса чиқариш имконини берди. Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни бирон-бир марказнинг ва оғаларнинг кўрсатмасисиз, сифат жиҳатдан янги, маърифатли асосга қуриш зарур.

Бироқ кенгашнинг ўзига қайтайлик. Беш Президентнинг Тошкент учрашуви бу кенгашнинг руҳини белгилаб берди, деса бўлади. Ўша учрашувда Марказий Осиё давлатларининг кучлари бирлаштирилажаги эълон қилинган эди. Борис Ельцин ҳам, Леонид Кравчук ҳам бу қарор қабул этилиши муҳимлиги ҳақида гапирдилар. Улар минтақа бозори мустақил давлатлар учун манфаатли эканини тан олишди. Ҳар бир мамлакат тангликдан қутулиш учун ўз йўлини излаётганлиги мутлақо табиийдир. Бу хусусда Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Станислав Шушкевич жуда аниқ гапни айтди. Учрашув арафасида икки мамлакат раҳбарлари дипломатия муносабатлари ўрнатиш ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларни имзоладилар.

— Илгари биз Ислом Каримов билан МДҲ доирасида давлатлар ўртасидаги муносабатларни қандай йўлга қўйиш ҳақида бир неча бор гаплашган эдик, — деб таъкидлади Беларусь парламентининг бошлиғи.— Бизнинг фикримиз тўғрилигини замоннинг ўзи исботлади. Мен Ислом Каримов билан дўст бўлганимга фахрланаман. У хушахлоқ сиёсат ўтказмоқда.

Сўнгра Станислав Шушкевич гўё Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги ҳақидаги саволга жавоб қайтариб, бундай юзаки мулоҳазалар учун ҳеч қандай аниқ асос йўқлигини қатъий қилиб айтди. Республикадаги вазиятни, кучларнинг ҳақиқий мавқеини билмай туриб, асоссиз гапларни айтиш ярамайди.

Оммавий ахборот воситаларида учрашувда имзоланган ҳужжатлар жуда батафсил баён этилди. Бу ҳужжатларнинг ҳаммаси асосан иқтисодий аҳволни барқарорлаштиришга, танглик жараёнларини тезроқ бартараф қилишга қаратилган. Ҳар бир давлат бу муаммоларни якка-якка ҳал эта олмаслиги мутлақо равшан. Буни исботловчи мисоллар кўп. Ўз валютасини шошапиша жорий этиб, ҳамдўстлик давлатларидан ажралиб қолаёзган Украинани айтишнинг ўзи кифоя қилади. Аммо иқтисодиёт сиёсат билан чамбарчас боғлиқлиги маълум. Давлатларнинг бошлиқлари кўпгина муҳим муаммолар, аввало Тожикистон хусусида бир тўхтамга келдилар.

Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев бу тоғли ўлкадаги биродаркушлик урушини тўхтатиш, аҳволни нормал изга солиш соҳасида изчил сиёсат ўтказиб келмоқдалар. Ҳамдўстликдаги бошқа давлатларнинг бошлиқлари уларнинг йўлини қўллаб-қувватладилар. Ўзбекистон Республикасининг бошлиғи ҳозирги вақтда Тожикистон билан Афғонистон ўртасидаги чегараларнинг унчалик мустаҳкам эмаслиги нохуш оқибатларга олиб бориши мумкин ва бу оқибатлар қўшни давлатлардаги вазиятгагина эмас, ҳатто Россиядаги вазиятга ҳам салбий таъсир қилади, деган фикрни исботловчи далилларни неча марталаб айтган эди. Шу сабабли Минскда Тожикистон—Афғонистон чегарасини мустаҳкамлаш учун ўн кун мобайнида ҳамдўстлик мамлакатларининг тинчлик ўрнатувчи кучлари қўшимча қисмларини юборишга қарор қилинди.

..Шундай қилиб, ҳамдўстлик мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги Минск учрашуви ниҳоясига етди. У ерда қабул этилган қарорлар шу заҳотиёқ самара бера олмаслиги равшан. Ҳеч ким бунга умид ҳам қилаётгани йўқ. Энг муҳими шуки, аниқ ҳамкорлик нишоналари кўрина бошлади. Шундай ҳамкорликсиз давлатларимиз аҳолисининг турмушини яхшилаб бўлмайди.

**Л. ЛЕВИН,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Минск.

* * *

**СУРАТДА: матбуот конференцияси пайти.**
А. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

# ҚУЁШ ЧАРАҚЛАГАН КУНДА

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ КУНЛАРИ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛДИ

Неча кундан бери ҳурпайиб олган ҳаво бирдан чарақлаб кетди. Эндигина қаҳрга кираётган қиш чекиниб, баҳор нафаси уфургандек бўлди. Она табиат бу саховати билан юртимизда бошланаётган яна бир хайрли тадбирга оқ фотиҳа бергандек, аэм пойтахтимизга ташриф буюрган қорақалпоғистонлик қардошларимизни иссиқ бағрига босгандек бўлди.

Байрамона безатилган файзли кўчалар, оролланган майдонлару хиёбонлар янада гавжумлашиб кетди. Айниқса, не-не қувончли воқеаларнинг шоҳиди —Алишер Навоий номидаги театр майдонида ўзгача шукуҳ, ўзгача тароват. Фавворанинг икки томонига икки ўтов тикилган, бу ўтовларга кириб чиқаётган одамларнинг охири кўринмайди, уларнинг бирида қорақалпоқ халқ амалий санъати асарлари кўргазмаси иш бошлаган, иккинчисида эса моҳир пазандалар тайёрлаган миллий таомлар иштаҳани қитиқлайди... карнай-сурнайлар азиз меҳмонлар, санъат шайдоларини театрда тантанали очилажак маросимга чорлайди. Қорақалпоқ ва ўзбек миллий либосидаги гўзал қизлар меҳмонларни тавозеъ билан қаршилаб, уларга гуллар, маданият кунлари дастурларини тақдим этишади.

Меҳмонлар ва томошабинлар қорақалпоғистонлик истеъдодли болаларнинг театрнинг нақшинкор равоқлари остида очилган ижодий кўргазмасини қизиқиш билан кўздан кечиришади...

Соат 17.00. Икки республика давлат байроқлари билан, сават-сават гуллар билан безатилган саҳнага Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталов, Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг Раиси У. Аширбеков, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг Раиси Р. Йўлдошев, қорақалпоқ ва ўзбек маданияти намоёндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, жамоатчилик вакиллари, чиқиб келадилар. Залда ҳозир бўлган меҳмонлар ва томошабинлар уларни қарсаклар билан кутиб олишади.

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, ташкилий комитет раиси М. Қорабоев Қорақалпоғистон маданияти кунларини очиқ деб эълон қилиб, республика Бош вазири А. Муталовга сўз беради.

— Бугунги тантаналар,— деди Бош вазир, — Қорақалпоғистон пойтахти Нукус шаҳрининг 60 йиллиги муносабати билан ўтказилган унутилмас байрамнинг давомидир. Бу кўрик муштарак маданиятимизнинг таркибий қисми бўлган қорақалпоқ адабиёти ва санъати камол топаётганининг намойиши бўлади.

Шундан кейин Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг Раиси У. Аширбеков сўз олади. У истиқлол туфайли ўзбек ва қорақалпоқ халқлари кўкрагига озодлик шамоли текканини, илгари ҳам ўтказилган бундай тадбирлар эндиликда янгича руҳ, янгича мазмун кашф этаётганини таъкидлади. Аму ва Сирдан сув ичиб, ташналигини қондириб келаётган қавм-қариндошлар, дўсту биродарлар, қуда-қудағайлар машаққатли кунларни бошдан кечираётганига қарамай, келажакка умид билан боқаётганини, бу йўлда ҳормай-толмай меҳнат қилаётганини айтди.

— Ўзбекистон маданияти арбоблари билан ўтказилажак учрашувларимиз, — деб давом этди У. Аширбеков, — адабиётимиз ва санъатимизни янада ривожлантиришда муҳим босқич бўлиши шубҳасиз. Бу эса асрлар мобайнида давом этиб келаётган дўстлигимизга янги мазмун бахш этади, оға-инилигимизни кучайтиради.

Сўнгра қорақалпоқ ва ўзбек маданияти намоёндалари бирин-кетин минбарга кўтариладилар. Улар бири бирига устоз, бири-бирига шогирд сифатида қўлни-қўлга бериб ижод заҳматини чекаётганларини, асарларида эрк ва озодликни, истиқлолимизни, тинчлик-осойишталикни кенгроқ акс эттиришга интилаётганларини таъкидлаб, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, маданият арбобларининг шахсий алоқаларини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга даъват этдилар.

Қорақалпоғистон маданияти кунларининг тантанали очилиши маросими шу республика санъат усталари ва ижодкор ёшларининг катта концерти билан ниҳоясига етди.

**Баҳодир АБДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ОЛИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

25 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари қатнашчиларининг вакилларини қабул қилди. У меҳмонларга республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар, Олий Кенгаш фаолияти ва мазкур анжуманнинг икки республика халқлари дўстлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида сўзлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков, Нукус шаҳар маҳаллалар қўмитаси раиси Ж. Жиёмуратов, Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси С. Камолов, машҳур қорақалпоқ адиби Т. Қайипбергенов ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг тарихий бирлиги, қон-қардошлиги ҳақида тўлқинланиб гапирдилар, бугунги иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтиш, маданият, илм-фанни ривожлантириш хусусидаги фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Қабул маросимида Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Олий Кенгаш Раёсати аъзолари ва қўмиталарнинг раислари қатнашдилар.

**А. ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТОШКЕНТ МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛДИ




Ўзбекистон Республикасида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари бошланди. 25 январь куни Қорақалпоғистон Республикаси Олий Советининг Раиси У. Аширбеков ҳамда Қорақалпоғистон Министрлар Советининг Раиси Р. Йўлдошев бошчилигидаги анжуман қатнашчилари Тошкентга келди. Ранго-ранг байроқлар билан безатилган Тошкент аэропортида меҳмонларни фан ва маданият арбоблари, Ўзбекистон ишчи ёшлари ва студентлари вакиллари, адабиёт-санъат мухлислари, ўзбек миллий либосидаги қизлар гуруҳи карнай-сурнай садолари остида нон-туз ҳамда гуллар билан қарши олдилар. Кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев сўзга чиқиб, йиғилганларни ўзбек диёрида бошланган анжуман билан қизғин табриклади, маданият кунларининг икки жондош халқ ўртасидаги биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш борасидаги аҳамияти тўғрисида қисқача тўхталди. Шундан сўнг меҳмонлар номидан Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси У. Аширбеков сўз олиб, оғир иқтисодий шароитда катта маърифий-маданий аҳамиятга эга бундай тадбирни ўтказишга қарор қилган Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари ва бутун ўзбек халқига самимий миннатдорчилик билдирди.

Меҳмонларни кутиб олиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

**Р. ФАЙЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

* * *

**СУРАТДА: Тошкент аэропортида меҳмонларни кутиб олиш.**
Р. ЖУМАНИЁЗОВ ва Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган сурат.



# ГУЛЛАР ҚЎЙИЛДИ

25 январь куни Қорақалпоғистон Республикаси маданият намоёндалари пойтахтимизнинг «Халқлар дўстлиги» майдонидаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Туркий халқларнинг буюк мутафаккирига ҳурмат-эҳтиром рамзига айланган бу маросимда шаҳар меҳнаткашларининг вакиллари ва Тошкентда таълим олаётган қорақалпоғистонлик ёшлар иштирок этдилар.

Маросимда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков, шу республика Вазирлар Кенгашининг Раиси Р. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

**ЎзА мухбири.**

# ИШТИЁҚ, ТАШАББУСКОРЛИК — МУШКУЛОТ КАЛИТИ

## *Хоразмда қўшимча ишчи ўринлари яратиш тажрибасидан*

**Бозор иқтисодиётининг ўзига хос қонуниятлари борки, уларга амал қилинса, пировард натижада жамиятимизни фаровон ҳаётга олиб боради. Аммо унинг дастлабки босқичлари қийин кечяпти. Бунинг устига қишлоқларда ишлаб чиқаришни қайта қуриш, иш усул ва услубларини ўзгартириш, меҳнатга ҳақ тўлашдаги текисчиликка барҳам берилаётгани, ортиқча иш ўринларининг тугатилиши ишсизликни келтириб чиқарди. Бундай ҳолат айниқса қишлоқ жойларда кўпроқ кўзга ташланмоқда. Жумладан, барча хўжаликларда кейинги йилларда экин майдонлари, боғлар, чорвачилик фермаларида ижара усулига кўчилгани қишлоқда ҳам ишсизлар табақасининг пайдо бўлишига туртки бўлди.**

**Республика бўйича аҳоли энг зич жойлашган вилоятлардан бири — Хоразмда изчил амалга оширилаётган тадбирлар қийинчиликларни тугатишда қўл келмоқда. Улар шарофати билан қишлоқларда аҳолини доимий иш билан таъминлаш имконияти вужудга келди.**

**Мухбиримиз шу вилоятда бўлиб давлат ва жамоа хўжаликлари раҳбарлари, шу ишга бош қўшган мутасадди кишилар билан суҳбатлашиб, дастлабки тажрибалар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.**

**А. ШЕРБЕКОВ, Хонқа райони ҳокими:** — Ернинг ижарачилар ўртасида тақсимланиши одамлар моддий манфаатдорлигини оширди. Улар оила аъзолари билан чекларига тушган экин майдонларида сидқидил меҳнат қиладиган бўлдилар. Аммо, афсуски, ҳаммага ижара учун ер беришнинг иложи бўлмади. Район бўйича ишсизлар 3,5 минг кишига етди.

Хўш, бу аҳволдан қандай қилиб чиқиб олиш мумкин? Район ҳокимияти бу саволга ижобий жавоб топиш мақсадида жуда кўп изланди, мавжуд имкониятларни чуқур ўрганиб чиқди. Колхоз ва совхозларда шу йўналишда нимаики қилинаётган бўлса, уларни қўллаб-қувватлади, бу ишни давом эттириш учун имконият яратди.

Кишиларни иш билан таъминлашнинг энг қулай йўли улар истиқомат қиладиган жойларда етиштирилган ҳосилни қайта ишлайдиган кичик корхоналар, завод ва фабрикаларнинг бўлимларини, цехларини қуришдир. Биз шу йўлни танлаб хато қилмадик. Кейинги бир йил мобайнида қишлоқларда 65 та кичик ва қўшма корхоналар қуриб ишга туширилди. Консерва заводлари, атлас тўқийдиган цехлар, поёндоз ва гиламчилик фабрикалари шулар жумласидан. Ал-Хоразмий номли давлат хўжалиги, «Ғалаба» ва Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари ҳудудида сабзавот ва мевани қайта ишлаб консервалайдиган заводлар вужудга келди. Бу корхоналар ишсизларни иш билан тўла таъминлашга имкон яратди. 800 нафардан кўпроқ киши шу тариқа доимий қўним топди. Шуниси қувончлики, янги касбнинг этагидан тутиб бинойидек ишлай бошлаган бу кишиларнинг аксарияти хотин-қизлардир.

Ҳозир районда шу соҳада бошланган иш изчил давом эттирилмоқда. Янги-янги корхоналар вужудга келаётир. Масалан, пахта тозалаш заводида шу йилнинг дастлабки кунларидан йигирув ва тўқувчилик цехлари ишга тушди. «Агроснабремонт» ташкилоти қошида ҳам тикувчилик цехи очилмоқда. Ушбу корхонада 52 хил иш бажарадиган юзта янги машина ўрнатилди. Биз хайрли ишни давом эттириб, йил охиригача район ҳудудидаги барча хўжаликларда ишсизликка деярли барҳам беришга эришамиз.

**Х. ҚОЗОҚОВ, Гурлан районидаги Иброҳим Холматов номли жамоа хўжалиги тикувчилик корхонаси цех бошлиғи.** — Хўжалигимиз деярли район марказида жойлашган. Шу сабабли ишсизлик бизда кўпроқ сезилмоқда. Хўжалик бошқаруви колхоз аъзолари ўртасида сўров ўтказди. Деярли ҳар бир кишининг ишсизликни тугатиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ўрганиб чиқилди. Кўпчилик кичик корхоналар қуришни таклиф қилди. Чунки уларни вужудга келтириш узоқ вақт ва кўп маблағ талаб қилмайди.

Нижний Новгород шаҳридаги «Маяк» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда вужудга келган тикувчилик корхонаси мана шундай изланишларнинг меваси бўлди. Бирлашма қишлоғимизда қурилган корхонага машина ва ускуналарни келтириб ўрнатиб берди. Мутахассислар ва тикувчилар у ерда бўлиб, касб ўргандилар. Зарур газламаларни эса республика Енгил саноат вазирлиги етказиб бермоқда. Ҳозир корхонамизда 42 тикувчи ишлаяпти. Мақсуда Отамуродова, Гулчеҳра Ҳасанова, Зулхумор Холматова, Минаввар Ражабова каби ёшлар тикувчилик сирларини ўрганиб олишди. Ҳозир корхонамиз хўжалик даромадининг талай қисмини ўз зиммасига олиб ишлаяпти.

Қўшма корхона қишлоқни саноатлаштириш йўлида ташланган дастлабки қадам бўлди. Бу иш катта даромад манбаи эканлигини эътиборга олиб, атлас тўқиш цехини барпо этишга қарор қилинди. Ажратилган бинога ўнта дастгоҳ ўрнатилди. Цех хўжалик режадан ташқари топширган пилла ҳосили ҳисобига хом ашё билан таъминланмоқда. Минаввар Ҳабибова, Нигора Отамуродова, Тўхтажон Оллаберганова, Омонгул Олламова каби ишчилар тўқиётган хонатлас сифатлилиги билан ажралиб туради.

Жундан бош кийим, жемпер, пайпоқ, кўйлак ва болалар кийими тўқийдиган, ёғочни қайта ишлаш, бетон маҳсулотлари тайёрлаш, газ аппаратлари қисмларини ишлаб чиқарадиган цехлар шу тарзда вужудга келди. Ҳозир қишлоқда иккита ғишт заводи ишлаб турибди. Улар йилига 8,5 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бу йил хўжалигимиз ҳудудида яна бир янги фабрика қуриш режалаштирилган. У жинси газламалар ишлаб чиқаради. Хўжалик бошқаруви қарори билан янги клуб биноси ана шу корхонага ажратиб берилди.

**П. ИСМОИЛОВ, Шовот районидаги «Хоразм» колхози бошқаруви раиси:** — Хоразм азалдан гилам тўқувчилар юрти бўлиб келган. Шунинг учун хўжалик ҳудудида кичик корхона қуриш масаласи кун тартибига қўйилганида барча колхозчилар биринчи навбатда гиламчилик цехи барпо этиш таклифи билан чиқдилар. Махсус бино ажратилиб, дастгоҳлар ўрнатилди, 45 хотин-қиз янги ҳунарни эгаллаб олишди. Эндиликда бизнинг гиламларимиз «Моноқ гилами» номи билан бутун Шовотда донг таратяпти. Хом ашёни эса Хива гиламчилик комбинатидан олаяпмиз.

Ҳозир қишлоғимизни саноат корхоналарисиз тасаввур этиб бўлмайди. Колхозчилар кунига яраб турган шоли оқлайдиган ва ун тортадиган тегирмонлар, консерва цехи, пахта момиғи чиқарадиган кичик корхона мунтазам ишлаб турибди. Ўз ғишт заводимизни қуриб ишга туширдик. Бундан ташқари хўжалик ҳудудида жойлашган турли ташкилотларга қарашли тўртта ғишт заводи ҳам колхозчилар мушкулини осон этаётир.

**Г. РАҲИМОВА, Шовот районидаги Маҳтумқули номли жамоа хўжалиги тикувчилик фабрикаси цех бошлиғи:** — Шаҳарлик ишсиз қолса бошқа ташкилотга ўтиб тирикчилик қилиши ёки жуда бўлмаганда касбини ўзгартириб олиши мумкин. Бироқ қишлоқда ишсиз қолишни тасаввур этиш қийин.

Аммо истаймизми-истамаймизми бозор иқтисодиётига кириб борарканмиз, унинг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий томонларини ҳам бошдан ўтказишга мажбурмиз. Кейинги бир-икки йил ичида колхозимизда ҳам доимий иш топиш мушкуллашиб қолди. Яхшиямки Республика Президенти Фармонига биноан қишлоқдаги барча аҳолига томорқа ва уй-жой қуриш учун қўшимча ер берилиб, кишилар экин-тикин қилиб, мол-хол боқиб шундан озми-кўпми тирикчилик қилаяптилар.

Хўжалик бошқаруви қўшимча ишчи ўринларини вужудга келтириш йўли билангина мушкул вазиятдан тезроқ чиқиб олиш мумкин, деган хулосага келди. Ўша пайтда кичик ва қўшма корхоналар қуриш энди расм бўлиб келаётган эди. Орёл шаҳридаги «Радуга» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари хизмат вазифаси билан Хоразмга келишганида колхозимиз бошқарувига қўшма корхона — тикувчилик фабрикаси қуришни таклиф этишди. Барча ташкилий ишларни, жумладан машина-дастгоҳлар таъминоти, кадрларни тайёрлаш каби юмушларни бирлашма ўз зиммасига олди. Хўжалигимиз бошқаруви идорани фабрикага бўшатиб берди. 250 дан зиёд хотин-қизлар Орёл шаҳрига бориб тикувчилик, бичувчилик, механиклик каби касбларни ўрганиб қайтдилар. Икки йилдирки корхона тўла қувват билан ишламоқда. Бу ерда тикилаётган кийим-кечаклар жуда ҳам харидоргир. Шу сабабли корхона катта даромад олмоқда. Бугина эмас, тикувчилик фабрикаси колхозда вужудга келаётган янги-янги кичик ва қўшма корхоналарнинг бошланиши бўлди. Саноатнинг қишлоққа кириб келиши аҳолини ишсизликдан қутқарди. Шундан келиб чиқиб бошқа хўжаликларда ҳам колхозимизда тўпланган тажрибани кенг қўлланишни таклиф қиламан.

**Ҳа, бозор шароитида кимнинг ким эканлиги қисқа вақт ичида яққол намоён бўлади. Ўз ўрнини топган билимдон, тадбиркор, ташаббускор раҳбарлар, мутахассислар бировга эмас, ўз кучларига ишонган ҳолда фаолият юритишаяпти. Улар ички имкониятларни ишга солиб, қўшимча ишчи ўринларини вужудга келтиришаяпти. Шунингдек, тежамкорликка алоҳида риоя этилмоқда, иқтисодиётни юксалтириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг тамомила янги усуллари амалиётга дадил жорий этилмоқда. Инсон омилига эътибор кучаётганлиги ишчилар, хизматчилар кайфиятига кайфият қўшмоқда. Пировард натижада бозор муаммоларини бирин-кетин ҳал этиш имкониятлари яратилаяпти.**

**Рафиқ ТУРСУНОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» махсус мухбири.**

---

*Маҳаллий саноат*

# ШЕРОБОД КУЛОЛЛАРИ

Шерободликлар қадим-қадимдан кулолчиликда довруғ таратишган. Ҳали турмушимизга совутгичлар кириб келмасидан Сурхон воҳаси аҳолиси Шерободда тайёрланган ҳар хил ҳажмдаги кўза ва хумлардан гўшт, сариёғ ҳамда бошқа тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашда кенг фойдаланганлар. Яқин-яқингача район марказининг бир чеккасида ана шундай кўза ва хум ясайдиган махсус устахоналар бўлиб, уларда ота-боболар касбини ардоқлаб келаётган ҳунармандлар ишлашарди. Бундай буюмлар тайёрлашда асосий хом ашё — сирачдай соз тупроқ ҳам Шерободнинг ўзида сероб. Ҳозир ҳам шундай, халқ ҳунармандчилигининг бебаҳо бойлиги бўлган тупроқнинг мурти бузилгани йўқ, яна асрлар давомида ишлатилиши мумкин.

Бу ерда ҳар ойда 320—350 минг сўмлик сопол буюмлар тайёрланиб, савдо тармоқларига жўнатилаяпти. Эндиликда бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотдан нафақат сурхондарёликлар, балки республикамизнинг турли шаҳарлари, қўшни Туркманистоннинг Чоржўй вилояти аҳолиси ҳам баҳраманд бўлаётир. Қудрат Асроров бошлиқ ижодий гуруҳнинг ўн бир нафар қўли гул усталари тайёрлаган юз минг сўмлик юқори сифатли маҳсулот Тошкент шаҳридаги марказий универсал магазинида сотилди. Акбар Нориев, Жумарасул Боймуродов, Баҳриддин Раҳматов, Зилола Арслонова, Зиёда Шернаева, Барно Зубаевалар лаганларга маҳорат билан Алишер Навоий, Тоҳир ва Зуҳра, Беҳзод асарларидан миниатюраларни чизишган.

Ўн беш йиллардан буён эса шерободлик ҳунармандлар кулолчиликни оғир қўл меҳнатидан саноат асосига кўчиришган. Бир неча йилдан буён сопол буюмлар тайёрлаш корхонаси ўзининг хилма-хил маҳсулотлари билан халқимизни хушнуд этмоқда. Бир неча хил лаганлар, коса, чойнак, пиёла, ликопча, гулдон ва гултуваклар, кўзача, эсдалик совғалари кулоллар, мўйқалам усталарининг маҳорати, ўз касбларини ардоқлашлари туфайли бўёқлардан жило топиб, рўзғоримизда ишлатиладиган буюмлардан санъат асарлари даражасига кўтарилаётир. Бунда, айниқса, иқтидорли мусаввир, жамоа ижодий гуруҳининг бошлиғи Қудрат Асроровнинг хизмати беқиёсдир.

Ўтган йилнинг ўзида корхонада ўн хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. «Мустақил Ўзбекистон», «Ўзбекистон рамзи», «Ўзбекистон» чойнак-пиёлалар мажмуаси, «Хумо қуши», «Жайҳун», «Сўзана». «Орол», «Наврўз», «Сурхондарё» лаганларини, гулдонларини, чойнакларини қўлингизга олиб, томоша қилсангиз, эрамиздан олдин яшаб ўтган ҳунармандлар анъаналари минг йиллар ўтгач собитқадамлик билан давом этаётганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришда етмиш киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти маҳаллий хотин-қизлар. Бозор шароити муносабати билан бу ерда ҳам ишлаб чиқаришда баъзи ўзгаришлар киритишга тўғри келди. Масалан, лаборатория иш режими қайта кўриб чиқилди. Буюмларни печларда пишириш ҳаракати белгиланган нормага келтирилди. Хумдонлардан фойдаланиш тўлиқ йўлга қўйилди. Яқиндан бошлаб эса корхона тўлиқ табиий газ билан ишлашга ўтказилди. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш имконини беради. Демак тайёр маҳсулот баҳоси ҳам нисбатан арзонлашади. Баҳога келсак, ҳозир ҳам сопол идишлар чинни буюмларга нисбатан икки баробар арзон.

Яна бир муҳим ўзгариш — 1992 йил октябрь ойидан комплекс бригадаларнинг жорий этилгани бўлди. Илгари қолипловчилар, пардозловчилар, нақш чизувчилар алоҳида-алоҳида меҳнат қилишган бўлса, ҳозир фақат қолипловчилар бир бригада бўлиб, унга тажрибали уста Баҳриддин Тўхташев бошчилик қилмоқда. Флюра Жўраева ва Мамлакат Болтаева бошлиқ бригадаларда эса пардозлаш, нақш чизиш ишлари бажарилади. Ҳар бригада ишлаб чиқарган маҳсулот сифати учун масъул. Бригадалар ўртасида кўп, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, юқори маош олиш беллашуви ташкил этилган. Олдингига нисбатан яроқсиз маҳсулот ҳажми 15—20 фоизга қисқарди. Ишловчиларнинг ойлик маоши 4—4,5 минг сўмга етди, улар энди мукофот пули ҳам олишмоқда.

Бу йил корхона жамоаси ўн миллион сўмлик қандолат маҳсулотлари, 1,8 миллион сўмлик оҳак ҳамда 7 миллион сўмлик сопол буюмлар тайёрлашни режалаштиришаяпти. Ўтган йили эса бир ойда 30—40 минг сўмлик буюртма маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйишганди. Масалан, туғилган кунга, никоҳ тўйларига, пенсия тўйларига махсус эсдалик совғалар тайёрланаяпти. Улар келгусида вилоятдаги барча районларда аҳолига холис хизмат кўрсатиш нуқталарини ташкил этишмоқда. Корхона дўконини очиб, уларда ўз маҳсулотларини савдо нуқталаридагидан арзонроқ сотишмоқчи, тувакларда гул ўстириб сотишни йўлга қўйиш ниятидалар. Акс ҳолда ҳозир заводда бир ойда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотдан келадиган даромад электр қуввати сарфини базўр қоплаяпти. Электр қуввати билан ишлатилаётган иккита печни қайта жиҳозлаш учун жуда катта миқдорда маблағ, вақт керак. Маълумки, корхона маҳаллий саноат корпорацияси тасарруфида. Халқимиз учун керакли маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарга электр қувватидан фойдаланиш тарифини пасайтиришни кўриб чиқилса, ёмон бўлмас эди. Электр қуввати харажати юқори бўлганлиги учун ҳам ҳозир лаган ва косаларнинг баҳоси 1,6 баробарга қимматлашди. Аҳвол шу тариқа қолаверса, эртага кулоллар меҳнати зое кетади, тайёр маҳсулот аввало, омборда, магазинлар пештахталарида туриб қолиши мумкин. Яна бир муаммо — корхонанинг қолипбоп ганч билан таъминланишидир. Ҳозир бу хом ашё Ангрен шаҳридан келтирилмоқда. Хом ашё етказиб берувчилар мол айрибошлаш шартини қўйишаяпти. Шерободликлар сопол идишлар билан айрибошлашни йўлга қўяйлик, дейишса, бу маҳсулотлар Ангреннинг ўзида ҳам ишлаб чиқарилар экан. Лоақал бир республикадаги корхоналар икки оёқни бир этикка тиқмасдан шароитдан, имкониятдан келиб чиққан ҳолда иш кўришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Б. КЕНЖАБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

---



**Шу кунларда сабзавоткорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Чунки кўклам яқин. Ҳадемай очиқ далаларга кўчатларни кўчириб ўтқазиш, уруғ қадаш ишлари қизғин бошланиб кетади. Ҳозир эса иссиқхона ва парникларда дуркун ниҳоллар етиштиришга эътибор кучайтирилаяпти. Шофиркон районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам дала юмушларини авж олдиришмоқда. Моҳир сабзавоткор Илмиддин Раҳимов эртаги сабзавот кўчатлари парваришини маромида олиб бормоқда.**

**СУРАТДА: И. Раҳимов ниҳолларни суғораяпти.**

К. КАРИМОВ олган сурат.

---

*Ёднома*

# ҲАМҚИШЛОҚЛАР ЭЪТИРОФИ

—Оиламиз аъзолари доимо оқшом пайтида жам бўлгач, фарзандларим севимли бобоси тўғрисида хотиралар сўзлаб беришимни илтимос қилишади, — дейди Бўри ака Умаров.

Ёшлиги Ҳисор тоғ этакларида кечиб, кейинчалик кичик жамоаларга раҳбарлик қилган Бойқобил Умаровнинг номини ҳозирги кунда «Ҳисор» давлат хўжалигининг меҳнаткашлари фахрланиб ёд этишади. 1938 йилда собиқ Ворошилов номли, «Қизил карвон» жамоа хўжаликларида раис, 1953 йилдан 1965 йилгача «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида чорвачилик бўйича раис муовини бўлиб ишлади. 1965 йилдан умрининг охиригача «Ҳисор» давлат хўжалигида ғаллачилик бригадаси бошлиғи бўлиб хизмат қилди. Абди қишлоғида яшаб, 11 нафар ўғил-қизли бўлди.

Бойқобил ота камтарин, фидоий инсон эди, эслашади ҳамқишлоқлари. У кўпгина ёшларга устозлик қилди. Қишлоқ мактабида, ўқувчилар орасида тез-тез бўлиб, ўтмиш воқеаларидан ҳикоя қилар, болалар таълим-тарбиясига ҳисса қўшар эди.

Бойқобил ота Умаровнинг узоқ йиллик меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Бир неча медаллар, фахрий ёрлиқлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари қишлоқ ва туман Кенгаши ноиблигига сайланганди. Бойқобил отанинг бу даврда қилган хизматлари ҳамқишлоқлари томонидан юксак баҳоланди. Яқинда Абди қишлоғида бўлиб ўтган катта йиғинда янги қурилиб, фойдаланишга топширилган ўрта мактабга Бойқобил Умаров номи берилди.

Отахоннинг номини абадийлаштиришга бағишланган йиғилишда вилоят ва Яккабоғ тумани ташкилотларидан кўплаб меҳмонлар, Бойқобил отани танийдиган дўстлари, қариндошлари, фарзандлари қатнашдилар. Йиғилишда Улуғ Ватан уруши иштирокчиси Қ. Маҳмудов, меҳнат фахрийлари И. Абдиев, С. Эшонқулов, А. Раҳимов, Н. Остонов, Қайрағоч қишлоқ Кенгаши раиси Т. Эгамбердиев, туман халқ таълими бўлими мудираси С. Бекмуродова, туман ҳокими Т. Шоназаров, вилоят халқ суди аъзоси, Бойқобил отанинг тўнғич фарзанди Б. Умаровлар отахон номини ҳурмат билан ёд этдилар. Бойқобил Умаров номи берилган мактаб ўқувчилари ўқишда ва одобда намуна бўлишга аҳд қилдилар.

**Ҳолбобо ҚЎҚОНОВ.**

---

# КАСАНАЧИЛИК КЕНГАЙМОҚДА



**Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик билан иш тутилмаса, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шуни ҳисобга олиб, сўмни-сўмга уриштиришга, ишнинг кўзини билиб, меҳнат қилишга ҳаракат қилаяпмиз. Ана шунинг эвазига ойлик режалар оширилиб адо этилмоқда. Масалан, ўтган йили халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш режаси 1 миллион 480 минг сўм қилиб белгиланган эди. Нарх-навонинг тез-тез ўзгариб, кўтарилишига қарамасдан бу режани 1,5 миллион сўмга етказишга эришдик. Асосан гилам тўқиш, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, аҳоли учун супурги тайёрлаш билан шуғулланамиз.**

**Комбинатимизда 50 нафарга яқин ишчи аҳил меҳнат қилаяпти. Уларнинг яхши ишлаб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шарт-шароит яратишни асосий вазифамиз деб биламиз. Қаерда ишчига эътибор яхши бўлса, ўша ерда маънавий муҳит соғломлашиб, режа ошириб бажарилаверади.**

**Комбинатимиз ишчи-хизматчилари унутилиб кетаётган миллий анъаналаримизни жонлантириб, давом эттириш ташаббуси билан чиқдилар. Уларнинг бу ибратли ишини маъқуллаб, зарур дастгоҳлар, тикув машиналарини олиб келдик. Республикамиз мустақиллигининг бир йиллик тўйига рамзимиз туширилган гиламни ҳадя этдик. Шундан бери ўзбек миллий ва туркман гиламларининг қадимий нусхалари тўқилаяпти. Бундан ташқари халат ва чойшабларни ҳам тикиб чиқараяпмиз.**

**Маҳаллий саноат комбинати ташкил қилганимиз айни шу кун талабидир. Чунки район марказидан чекка қишлоқларда шундай гилам тўқувчи опа-сингилларимиз борки, улар туширган нусхаларни кўриб ҳайратланасан киши. Шуларни инобатга олиб, Қарлиқ қишлоғида комбинат филиалини очдик. Яна кўплаб хотин-қизлар ва онахонларни иш билан таъминлаш мақсадида касаначиликни йўлга қўйдик, яъни уйларида ишлашлари учун зарур шароит муҳайё этдик. Аметхон Султон номли давлат хўжалигининг Шех, Сариқ, Қорабоғ қишлоқларида, Муборак давлат наслчилик хўжалигининг Қўҳнашаҳар қишлоғида ана шундай ибратли ишлар амалга оширилди.**

**Жорий йилдан бошлаб аҳолига дераза, эшик, стол-стул чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Шу мақсадда алоҳида устахона ташкил этаяпмиз. Аммо ёғоч-тахта қирқадиган дастгоҳнинг йўқлиги муаммо бўлиб тургани, буни ҳам қисқа вақт ичида ҳал этишга эришилади. Россиянинг Кострома вилояти билан шартнома туздик. Ўйлайманки, шунга ўхшаш қийинчиликларни бартараф этиб, аҳоли учун керакли буюмлар етказиб бериш йўли билан мустақил Ўзбекистонимиз ишлаб чиқаришини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаверамиз.**

Эргаш ЯРАШЕВ,
Муборак район маҳаллий саноат комбинатининг директори.

---

*Бозор чорраҳаларида*

# БУЮРТМАЧИЛАР «УЧҚУН»ДАН МАМНУН

Инсон доимо замон билан ҳамнафас бўлиб яшашга, маданий турмуш кечиришга интилади. Бозор иқтисодиёти шароитида турмуш кечириш бир қадар мушкуллашган бўлса-да, бу замондошларимизнинг яхши ҳаёт кечиришга бўлган интилишларини сўндира олмади. Кўркам ва ҳар томонлама қулай биноларда ҳаёт кечиришни ким ҳам хоҳламайди дейсиз? Маълумки, истиқлол кишиларимизга том маънодаги эркинликни ҳадя этди. Бир сўз билан айтганда жумҳуриятимизда инсонга инсондек яшаш ҳуқуқи берилди. Энди ҳалол меҳнат эвазига ҳар ким истаганча уй-жой қуриши, рўзғор тебратиши мумкин.

Ўз-ўзидан маълумки, янги иморат тиклаётган кишиларга турли хил қурилиш материаллари билан биргаликда темир буюмлар ҳам зарур. Аммо бозор шароитида уларни топиш кун сайин қийинлашиб бормоқда. Зоминликлар эса бу борада муаммога йўлиқмайдиган бўлишди. Чунки яқинда ташкил этилган «Учқун» кичик корхонаси аҳоли талабларидан келиб чиққан ҳолда баҳоли қудрат улар юмушини енгиллаштираётир. Корхонанинг ташкил этилганига эндигина бир ярим йил бўлди. Аммо қисқа давр ичида мазкур ташкилот ишчилари район ҳудудида ўз маҳсулотлари билан кўзга кўриниб қолдилар. Корхона раҳбари Сайфиддин Зикрияевнинг таъкидлашича, бу ерда асосан куч-қувватга тўлган ёшлар меҳнат қилишмоқда. Корхона тақдирини ҳал этишда раҳбарнинг моҳир пайвандчи эканлиги ҳам ниҳоятда асқотаётир. Сир эмаски, қурилиш материаллари тақчиллашган айни кунларда тежамкорлик, тадбиркорликка таяниб иш кўриш таомилга айланиб бормоқда.

«Учқун»нинг яна бир ютуғи шундаки, у буюртмачи танламайди. Район ҳудудидаги ташкилот ва корхоналар пул ўтказиш йўли биланми ёки нақд пулгами буюртма беришса бас. У ўз вақтида бажарилади. 1991 йили жамоа 140 минг сўмлик иш бажариб, белгиланган режани ортиғи билан уддалаганди. 1992 йилда эса бу кўрсаткич 840 минг сўмга етказилди. Жумладан, корхона район пиллачилик идораси учун 455 минг сўмлик хизмат кўрсатди. Район пиллачилари ихтиёрида пилла қуритиш сўрилари паст ва ночор аҳволда эди. Корхона ишчилари пиллачилар учун бир йўла 30 тонна пилла қуритиш имконига эга бўлган баланд сўриларни қуриб беришди. 1992 йил ҳосилини ана шу сўриларда қуритган пиллабоқарларнинг қувончи чексиз.

Район бадиий буюмлар фабрикаси, давлат банки атрофидаги темир панжаралар ҳам ўзининг бежиримлиги билан ажралиб туради. Бу ишларни бажаришда корхона бригадири Маъмур Жўраев, пайвандчилар Ўрол Отабеков ва Тоҳир Қодировларнинг ҳиссаси катта. Корхона тайёрлаётган темир дарвоза, эшик-деразалар учун кун сайин талаб ошиб бораяпти. Бундан ташқари буюртмачи хоҳишига кўра исталган маҳсулотлар тайёрланиб берилаётганлиги ҳам кўпчиликни қувонтирмоқда.

— Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар ким ўз аравасини тортиши керак, —дейди корхона етакчиси С. Зикрияев. — Ҳисобимизда анчагина маблағ бор. Бундан ташқари пулга айлантириш мумкин бўлган чекларимиз ҳам етарлича. Улар билан эса хоҳлаган ташкилотлардан нақд пулга маҳсулот сотиб олиш имкониятига эгамиз. Умуман ташкилотлар билан молиявий муносабатларимизни тўғри йўлга қўйишда район акционерлик тижорат банки бошқарувчиси Ж. Бобобековнинг хизматлари катта.

Яқин кунларда корхонамизда ёғочни қайта ишлайдиган цех очишни режалаштираяпмиз. Шундан кейин аҳоли учун эшик-деразa, пол ва шифтлар учун керак бўладиган маҳсулотлар сотиш йўлга қўйилади. Мақсад бугунги оғир кечаётган кунларимизда меҳнаткашларга баҳоли қудрат ёрдам бериш.

Чиндан ҳам айни пайтда ишбилармонлик давр талабига айланиб бораётир. Ана шундай хислатли кишилар қанча кўп бўлса, муаммоларимиз чигали шунчалар тез ечилади.

**Абдусаттор СОДИҚОВ.**

## Ҳамза мукофотига номзодлар

# ҚАЛБ ЁҒДУСИ

Шеър — қалбнинг энг нозик ва энг чуқур қатламларидан сизиб чиқадиган шаффоф туйғу. Томчида қуёш акс этганидек, унда шоир руҳиятида етилган инжулар намоён бўлади. Инжу эса ўз бағрида юртнинг, халқнинг севинчлари, орзу-армонлари, дарду ташвишларини мужассам этади. Бошқача айтганда, шеър шоирнинг шахсий туйғулари йиғиндисидан эмас, балки у мансуб халқнинг улкан қалбидаги дарду қувончлар силсиласидан дунёга келиб, ижтимоий маъно касб этади. Шоирнинг ҳар қандай шахсий шеърлари қатламларида ҳам давр ва умуминсоний туйғулар сингдирилмоғи керак, акс ҳолда шеър уфқи торайди, унинг умрбоқийлигига путур етади.

Шоир қаламидан тўкилган сатрлар мағзида биз унинг элига, юртига муҳаббатини, бу юртнинг ёлғиз шоиргагина маълум бўлган қирраларини, бу халқнинг гўзал ва олижаноб фазилатларини кўрамиз ва кўз олдимизда бу юрт ҳамда халқ бутун борлиғи билан гавдаланади. Шу жиҳатдан олганда, шоир юрти ва халқининг қалб оламини ўзида акс эттирувчи бадиий кўзгудир.

Биз таъкидлаётган бу хусусиятлар пойтахтдан олисда яшаб, ижод қилаётган шоирларда янада бошқачароқ намоён бўлмоқда. Улар ўз асарлари қалбига атрофида яшаётган кишиларнинг покиза ва самимий туйғуларини, бу юртнинг ўз муаммоларини дадиллик билан олиб киришга интилмоқдалар. Улар ўзлари яшаб турган юртдаги масалалар халқимиз олдида турган муаммоларнинг бир зарраси эканлигини бадиий далиллашга эришмоқдалар.

Ана шундай ижодкорлар сафида Андижон вилоятининг Бўз ноҳиясида яшаб, ижод қилаётган Тўлан Низом ҳам бор. У муаллим. Бўз педагогика билим юртининг раҳбари. Йўлингиз Ёзёвон томонларга тушгудай бўлса, албатта, шоир директорлик қилаётган илм даргоҳига қадам ранжида қилинг. Бу остонага қадам қўйишингиз билан Андижоннинг икки улуғ фарзанди — Чўлпон ва Саида опа ўзбекона меҳмоннавозлик билан кутиб олади. (Ҳа, дарвоқе, билим юртига бўзликлар яхши ният билан Саида Зуннунова номини беришган). Кейин Сизни шеърият бўстонига таклиф қилади. Сиз унда Миртемир, Ҳамза, Фурқат каби бўстон булбуллари билан қалбан суҳбатлашасиз, дилингиз жомини шеърият шаробига тўлдириб, маст бўласиз. Кўзингизга олам нурли ва файзли кўринади.

Ижодкор асар яратиш масъулияти билангина эмас, унинг ташвиқи, ўзидан олдинги авлодлар руҳини покиза сақлаш, эъзозлаш бурчи билан ҳам яшамоғи керак. Билим юрти боғидаги устозлар сиймоси билан руҳан мулоқотда бўлганингизда шогирднинг устозлар олдидаги бурчи ҳақида ўйлайсиз ва Тўлан Низомнинг мана шу имтиҳондан ўтаётганлигига ишонасиз.

Назаримизда у ҳар бир сўзни, ҳар бир сатрни дастлаб устозларига ўқиб беради, улардан ғойибона маслаҳатлар олади. Шоирнинг шеърдан шеърга, китобдан китобга ўсиб бораётганлиги ҳам фикримизни бир қадар далиллатмоғи мумкин.

Кейинги йилларда шоирнинг «Ой қизлар», «Муқаддас руҳ», «Шеър айтгим келяпти, онажон» номли тўпламлари чоп этилди. Улар шеърият мухлислари, қолаверса, адабий танқид диққатини тортди. Матбуотда тўпламлар ҳақида илиқ фикрлар билдирилди.

«Муқаддас руҳ» — шоирнинг чорак асрлик меҳнатидан дасталанган гулдаста. Тўплам Ҳамза номидаги Давлат мукофотига тавсия этилди.

Тўпламни варақлар эканмиз, шоир ижодий йўли ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Чорак асрлик ижод йўли равон ва силлиқ бўлмагани, хатолар, адашишларнинг якуни эса ижодий ютуқларга бориб етганлиги бизни севинтиради. Тўпламдан қуруқ ваъзхонликдан, оддий тавсифлар йиғиндисидан иборат шеърлар ҳам, бадиийлик жиҳатидан бугунги адабиёт талабларига жавоб бера оладиган чуқур фалсафий манзумалар ҳам ўрин олган. Биз бадиий жиҳатдан заиф деб баҳолаётган шеърлар шоир ижодининг илк даврларига мансублигини ҳисобга олсак, унинг истеъдоди тобора ўсиб бораётганлигига бўлган ишончимиз яна бир бор мустаҳкамланади.

Шоир ўз юрту элининг дарди-ғамини, қувончу ташвишларини ўзига хос соддалик ва самимийлик билан куйлайди. Унинг шеърларида Фарғона водийси кишиларига хос фазилатлар алоҳида меҳр билан тасвирланади. Шоир яратган лирик қаҳрамон асосан бугуннинг фаол ва фидойи кишиси. У яратиш завқи-шавқи билан яшаётган инсонларнинг қалб оламларидаги қирраларни ўзида мужассам этмоқчи бўлган инсон. Унинг эзгу орзулари тоза ва бокира. Шунинг учун ҳам у:

**Мен гулхона бўлсайдим,**
**Ҳеч ким гулсиз ўтмасди,—**

дейди.

Биз бу самимий сатрларда қаҳрамоннинг покиза туйғулари мужассамланганлигининг гувоҳи бўламиз. Юқоридаги сатрлардаги гул рамзий образи орқали шоир ўз халқининг фаровонлиги ва осойишталиги бутун бўлишини ўйламоқда. Гул — тинчлик, тўкинлик тимсоли. Одамзод мана шу икки нарсага доимо чанқоқ. Шунинг учун ҳам шоир ўз қалбини бадиий сўзлар гулхонасига айлантириб, унда вояга етган гуллар(шеърлар)дан барча покиза қалбларни баҳраманд қилмоқчи бўлади.

Шоирнинг бошқа шеърлари билан танишиш асносида ундаги орзулар ҳавойи бўлиб қолмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Шоир шеърга покиза қалб кўзи билан нигоҳ ташлайдиганларга қарата:

**Менинг шеърим керак одам ўқисин,**
**Англамаса, ёлғон гапни тўқисин.**
**Бўҳтон селин ёғдирса гар устимга,**
**Булбул келиб тилларидан чўқисин,—**

дейди. Бу ўринда бир нарсага диққатни қаратиш ўринли. Шоир бўҳтон селларини ёғдиргувчиларнинг тилларини зоғлар, бургутлар чўқисин демайди. Унинг жазосини булбуллар берсин, деган ҳукмда қолади. Бу ҳам шоир қалбининг нозик қирраларини ифодаловчи тасвирлардан биридир.

Юқоридаги ҳар иккала шеърий парчадан биз лирик қаҳрамоннинг некбин орзулари баландпарвозликдан ҳоли эканлигига ишонамиз ва бу тилак қалбининг тоза нуқталаридан булоқ суви каби сизиб чиқаётганлигидан севинамиз.

Т. Низом лирик қаҳрамонининг фазилатларидан бири меҳрибонлик, самимийликдир. У ҳар бир нарсага қалб кўзи билан қарайди. У билан ошна бўлгиси, дарду ташвишларига шерик бўлгиси келади. Бу жиҳатдан олганда, «Арслонбобда бир кун» шеъри анча ибратли бўлиб, бунда қаҳрамоннинг дарахт билан сирли мулоқотлари тасвири етакчи ўринни эгаллайди.

Шоир мана шу мулоқот тасвирига бадиий урғу бериш билан лирик қаҳрамоннинг табиатга фаол муносабатини ифодалайди. У «шохларини ерга ташлаб жўшган дарахтлар» ҳолатини чизар экан, уни «юксакликни сақлагувчи» бир куч сифатида талқин этади.

Бу ўринда у жонлантиришнинг чиройли намунасини ярата олган. Инсон қадами етмаган хилқатларда ўсаётган ёввойи дарахт шоир назарида эркка интилаётган тенгсиз куч. Бу куч унинг эркин ўсган шохларида, тупроқни қўпориб чиққан томирларида яширин. Бу куч эрк, озодлик, кураш сўзларини қалбига байроқ қилиб қадаганларгагина аён. Шунинг учун ҳам шоир унга: «Ер бағирлаб томир отган эй ошиқ, эй аҳд!» — дейди. У шунчаки дарахт эмас, замин кўксидан отилиб чиқаётган эркин, ҳур фикрлар. У ёруғ дунёга интиляпти. Унинг учун юксак тоғлар — Ватан. У бошида кўтарган Ватаннинг ҳайратларини, севинчларини, дардларини япроқлар тилида оламга етказмоқда.

Шоир улкан дарахт салобати олдида ҳайратга тушган ўз ўқувчисига япроқлар тилидан учган нидоларнинг таржимонига айланади. У табиатнинг қуйма қаҳрамонига:

**Эътиқодинг буюк экан,**
**буюкдир бу тахт,**
**Сен ҳам шоҳлар оламида**
**ўзингча бир шоҳ! —**

дея баҳо берадики, бунинг заминида шоир туйғуларининг ҳосиласи ётади.

«Шоҳлар оламидаги шоҳ» образига жозиба, шиддат бахш этган нарса лутфдир. Бу сатрлар чиндан ҳам шоирона тафаккурнинг меваси.

Тўпламдан ўрин олган шеърлар мавзу эътибори билан ҳам, бадиийлик жиҳатларидан ҳам хилма-хилдир. Халқ оғзаки дурдоналаридан баҳраманд бўлиш, унинг латиф, ўйноқи оҳангларига мурожаат қилиш кейинги йиллар шеъриятида ҳам дуруст анъанага айланди. Т. Низом ҳам халқ оҳанглари йўлида бир қатор қўшиқлар битганки, булардаги тароват, самимият шоир қаламига ўзига хослик бахш этиб туради. «Кўнгил қуши», «Қўшиқ», «Бизни харидор этган», «Тонг алласи», «Интизорлик» кабилар шулар жумласидандир.

Тўпламдан шеъриятнинг икки ёруғ юлдузи қисматларига бағишланган «Мажнунтол йиғиси» ҳамда «Чўлпон» достонлари ҳам ўрин олган. Шуни дадиллик билан айтиш керакки, ҳар иккала достон ҳам шоир ижодидагина эмас, кейинги йиллар ўзбек достончилигида алоҳида таъкидланишга арзийди.

«Мажнунтол йиғиси» ўзбек миллий шеъриятининг нозик ва зукко заргарларидан бўлмиш Миртемир вафотига бағишланган. Шогирд қалбида кечган ички тўлқинларнинг бадиий фарёди сифатида дунёга келган бу асарга устознинг машҳур «Мажнунтол тагига ўтказинг мени, Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим» сатрлари муқаддима қилиб олингани бежиз эмас. Достондаги воқеалар уч асосий тимсол— Устоз, Шогирд ва Мажнунтол кечинмалари тасвири асосида ривожлана боради.

Шамолда тебранаётган мажнунтол ҳолати қаҳрамон қалбидаги тўлқинларга ўзгача мавж ато этади. Шоир вафотидан огоҳ бўлган қадрдон дўст фарёдлари унинг қалб кечинмаларида намоён бўлади:

**Номозгарда узилди чексиз хаёл,**
**Қалқиб келди ипакдек юмшоқ шамол,**
**Эгиласан, бураласан Мажнунтол,**
**Юрагимни яралайсан Мажнунтол.**

Достон қаҳрамони «бахтлиман» деган сўзни ҳайқириб айтадиган, бахтиёрликни одат қилиб олган шахс эмас. У ўзининг халқи, Ватани олдидаги масъулиятини ҳис қиладиган теран фикрли инсон. У халқи, Ватани, ҳатто шеърияти олдида бир оз ҳижолатли эканлигини эътироф этади. Дилидаги кўп гапларни қоғозга юксак бадиий либосларда тушира олмаганидан изтироб чекади. Бу муаллиф тўқимаси эмас. Ҳақиқатдан ҳам Миртемир ана шундай фазилатга эга бўлган ноёб истеъдод соҳиби эди. Афсуски у ҳам барча тенгдошлари каби қалбидаги дардларни, келажакка айтиши зарур бўлган гапларни тўлалигича айта олмай кетди. Шунинг учун у мажнунтол тагига ўтказишларини илтижо қилди. Қоғозга тушира олмаган гапларини Мажнунтолга айтди. Тилсиз ҳамдард эса бу дардларни ўз шевасида ташна юракларга элтди.

«Чўлпон» ва «Мажнунтол йиғиси» руҳан ҳам, бадиийлик жиҳатларидан ҳам бири-бирини тўлдиради. Ҳар иккала асарда ҳам шоир қисмати тасвири ётади. Муаллиф ҳар иккала шоир қисматидаги нуқталарга бадиий нигоҳ ташлар экан, ҳар бир шоир ижодига хос томонларга суянган ҳолда улар руҳияти тасвирларини чизади.

«Чўлпон»нинг қамрови кенг. Шоир хаёли кенгликларида эркин парвоз қилади. Гоҳ воқеаларга бевосита ўзи аралашади, у ёки бу масалага фаол муносабатини билдиради, гоҳ қаҳрамоннинг ўзига сўз бериб, монологнинг турли шаклларидан фойдаланади.

Достонда Чўлпонга хос икки томон атрофлича ёритишга ҳаракат қилинади: 1. Шоир ва давр масаласи. 2. Шоирнинг оилавий драмалари тасвири. Унинг Солиҳага бўлган чексиз муҳаббати ва жўмардлиги. Бунда биз Чўлпонга хос бағри кенглик, мардлик ва жасурликни кўрамиз.

«Муқаддас руҳ» бугунги шеъриятимизда ўз ўрнига эга бўлган китоб. Ундан ўрин олган шеър ва достонлар ҳар жиҳатдан ўқувчи қалбида илиқ таассуротлар уйғотади. Китобнинг Ҳамза номидаги Давлат мукофотига тавсия этилиши эса айни муддаодир.

**Рустам РАҲМОН,**
**Қамчибек КЕНЖА,**
**Исмоил ТЎЛАК.**

# УНУТИЛМАС ОНЛАР




**Тошкентда Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари очилиши муносабати билан маданият вазирининг ўринбосари Бухорбой Давлатмуротов билан суҳбатлашдик.**

**— Бухорбой ака, Тошкентда ўтган Марказий Осиё Ҳамдўстлиги учрашуви руҳи ҳали давом этаётган бир пайтда қорақалпоқ маданияти кунларининг ўтаётгани қувончимизга қувонч қўшиб юборди.**

— Ҳақиқатан қутлуғ кунларда Тошкентга келдик. Қолаверса, ҳали одамлар кайфиятида Янги йилнинг кўтаринки таассуроти йўқ эмас. Қорақалпоғистон азалдан бахшилари, шоирлари, раққоса-ю қўшиқчилари билан машҳур. Уларнинг чиқишлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотиши турган гап. Делегациямиз сафида санъат усталари, ижодкорлар ва республика раҳбарлари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчилари Тўлеберген Қайипбергенов, Жўлмирза Оймирзаевлар бор.

**— Қорақалпоқ халқидан истеъдодли ёзувчилар, раққосаю санъаткорлар етишиб чиққан. Улар тантана кунлари қандай асарлари билан қатнашадилар?**

— Бердақ номли қорақалпоқ мусиқий театри, қорақалпоқ филармониясининг «Ойқулаш», «Аму тўлқинлари» ва «Гулзор» дасталари санъаткорлари ташриф буюришган. Улар пойтахт театрларида ўз санъатларини намойиш қиладилар. Бердақ театрининг «Ажиниёз», «Ошиқ Ғариб» ва «Оти ўчсин» спектакллари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

**— Маданият кунлари тантаналарида қайси санъаткорлар иштирок этишади? Қандай жамоалар билан учрашувлар ўтказиш режалаштирилган?**

— Ўзбекистон пойтахтига жуда кўп санъаткорлар ташриф буюришди. Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Татаристон халқ артисти Отажон Худойшукуров, артистлар Ҳасанбой Худойшукуров, Аваз Примбетов, Гулходича Айимбетова, Ҳамира Дўстназарова, Светлана Нуримова, Ҳабибулло Шарипов, Нуриддин Мирзамуротовлар ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Алишер Навоий номли катта академик опера ва балет театрида болалар расми кўргазмаси ўтказилади. Нукус кўчасининг очилишига доир учрашув, Абдулла Қодирий номли Тошкент маданият олий билимгоҳида мушоира, Йўлдош Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрида, «Баҳор» концерт залида ва Ҳамза номли театрда учрашувлар ўтказиш режамизда бор.

Қолаверса, театрларда, маданият саройларида, киночилар уйида, ёзувчилар уйида, маҳаллаларда санъаткорлар билан учрашувлар бўлиб ўтади.

Ўйлайманки, Қорақалпоғистон, Республикаси маданияти ва санъати ўз жозибаси билан кўпчилик эътиборини тортади.

Суҳбатдош:
**Абдуғофир ТОЖИБОЕВ.**



Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат музикали драма театри жамоаси рус классик операси «Алеко»ни олиб келган. Бу ноёб санъат асари тошкентлик ихлосмандларни мамнун қилмоқда.

СУРАТДА: «Алеко» операсидан лавҳа.

Ж. ЖАҚСИМУРОТОВ олган сурат.

Бахтиёр ГЕНЖЕМУРАДОВ.

## СЎЗ ҚАДРИ

**Иморатга қаланган ғиштдай,**
**Сўздан гаплар қурилар—пишиқ.**
**Сузган кўлни соғинган қушдай,**
**Ажиб туйғу келадир учиб.**
**Бу иморат осмондан—ерга,**
**Юқоридан—пастга қурилар.**
**Оқ қоғозга — бу оппоқ кўлга**
**Оққушларнинг дарди қуйилар...**
**Пойдеворга, сўнгра тош қалаб,**
**Бу саройни қулфлаб ташлаймиз.**
**Ёшлар—қари, қари ёш бўлиб,**
**Оққуш дардин англай бошлаймиз.**

Қорақалпоқчадан Баҳром ҒОЙИБ таржимаси.

## БУХОРО ҚОМУСИ ЯРАТИЛАДИ

**Олимларнинг Бухоронинг ёши ҳақидаги баҳслари ниҳоят якунланди. Яна икки йилдан сўнг кўҳна шаҳарнинг 2500 йиллиги нишонланадиган бўлди.**

**Олимлар юбилейни ўзига хос совға — шаҳар қомусини яратиш билан кутиб олишга аҳд қилдилар. Асарда шаҳарнинг бутун тарихи — аҳолининг турли асрлардаги турмуш тарзи, урф-одатлари, кўчалар, хиёбонлар, меъморий ёдгорликларнинг яратилиш тафсилотлари, шаҳарнинг бугунги қиёфасига оид ва бошқа кўплаб қизиқарли маълумотлар жамланади.**

## Деҳқон тақвими

### ДАЛВ

21 январдан ҳижрий йил ҳисобига кўра далв ташриф буюрди. Ундан кейин келадиган ҳут билан йил якунланади. Сўнгра навбат ҳамалга, Наврўзи оламга.

Ҳа;

● **Ой ортидан келур ойлар карвони,**
**Бу тартиб мангудир, бўлмас поёни.**

Бундан буёнги эътиборли томони шуки, кундуз узая боради. Ой охирида узайиш бир соату тўрт дақиқани ташкил этади. Демак, Қуёш умрига умр, деҳқон амалига амал қўшила боради.

Умуман, бу ойда қирқ кунлик қиш чилласининг 25 куни ўтади. Лекин «чилланинг бир куни ҳам қиш».

Бу даврда зовурлару бошқа каттакичик сув шохобчаларини тартибга келтириш бир тарафу бошқа юмушлар бир тараф. Ер текислаш, далаю боғларга ўғит чиқариш, дарахтларга шакл бериш ана шулар жумласидандир.

● **Ери текиснинг—ҳосили тўкис,**
**Ҳосили тўкиснинг кўнгли тўқ.**

Иссиқ суяк синдирмас, дерларки, бунинг ўзига хос маъноси бор. Яъни совуқ суякни синдирадики, ана шунисидан эҳтиёт бўлиш керак. Зотан, Ибн Сино ҳам бунга урғу бериб, қиш чилласида чақалоғу кексаларни муҳофаза қилишни уқтиради:

● **Қиш ўлдирма, ёз ўлдир,**
**Оч ўлдирма, тўқ ўлдир—**

деганлари ҳам шундан.

Яна шуниси ҳам борки, ҳар ой ўз фазилатига эга. Зеро, ушбу байтда далвга берилган таърифга диққат қилинг:

● **Жадийдин далвга ўтганда офтоб**
**Файзидин далвни қилур камёб.**

● **Фақат яхшиликдин шиор келтиринг.**
**Агар қиш келсангиз, баҳор келтиринг!**
(Фирдавсий).

● **Ниҳоят, тунимиз уланур тонгга,**
**Юлдузимиз порлар шараф буржида!**
(Собир Термизий).

● **Агар ишингга чун бўлур дас-рас,**
**Вақтидин ўткарма ани бир нафас!**

Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ.

# ПАХТАОБОД ХАБАРЛАРИ

### ТАЖРИБА ОММАЛАШТИРИЛДИ

Туман халқ таълими методика марказида тарих-география фанларини ўқитиш бўйича Адҳамжон Мисировнинг тажрибасини оммалаштириш юзасидан вилоят семинари ўтказилди. Иштирокчилар Мисировнинг ёш муаллимларга бераётган методик ёрдамлари билан танишиш мақсадида Пахтаободдаги Ҳабибий номли 4-ўрта мактаб география фани муаллими Маъмурахон Зокированинг дарсида қатнашишди. Дарс замонавий техника воситалари, кўргазмали қуроллар билан бошқотирма усулида олиб борилганлиги семинар қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Айниқса, ёш муаллимларга берилаётган методик ёрдам, иш режалари, қўлланмалар барчага манзур бўлди. Асака, Андижон туманлари халқ таълими бўлимлари методик марказлари ходимлари Сотиболдиев, Парпиевлар пахтаободлик Адҳамжон Мисировнинг тажрибасини юксак баҳоладилар.

### ЮНУСБОБО 101 ЁШДА

Иккинчи асрга қадам қўйган Юнусали бобо Исоқовни Жийда қишлоғи аҳолиси жуда ҳурматлайди. Бобо бу эътиборга ҳалоллиги, камтар ва меҳнатсеварлиги туфайли эришди. Кўп йиллар Пахтаобод ноҳияси молия бўлимида, матлубот жамиятида ишлаб, эл раҳматини олди.

Бобонинг 4 нафар ўғил-қизи, 31 набираси, 62 нафар чевараси бор. Тўнғич ўғил Патиддин пенсияга чиққунга қадар механизаторлик қилди. Иккинчи ўғли Зуҳриддин шофёр-механиклик касбида «Озод» ва Қурбонов номли жамоа хўжаликларида ишлади. Қизлари Қорияхон билан Олияхон шу Жийда қишлоғида серфарзанд оилада бекалик қилмоқдалар.

Яқинда бобони 101 ёши билан табриклаб хонадонига боргандик, тасбеҳ ушлаб дуо қилдилар: «Юртимиз, элимиз тинч-омон бўлсин. Ўзбек халқининг иноқ-аҳиллигига кўз тегмасин. Президент Ислом Каримовга узоқ умр берсин. Ўзбек, уйғур, қозоқ, қирғиз, турку тожик миллатидан қатъий назар ҳар бир халқ дўст, биродар бўлса жаҳон тинч, омон бўлгай. Бу ёруғ жаҳонда нимани орзу қилган бўлсак, шунга етишайлик».

### АКА-УКА ҲАЙДОВЧИЛАР

59-автохўжаликда 80 та автобус, 45 та такси йўловчиларга хизмат қилмоқда. Юзлаб машиналар қишлоқ хўжалик юкларини ташиш ва шартнома асосида якка тартибда буюртмачиларга хизматга чиқарилмоқда. Автохўжаликда ҳалол меҳнати билан эл-улус ҳурмат-эъзозига сазовор бўлаётган шофёрлар кўп. Масалан, такси ҳайдовчиси Турсунали Эрназаров, автобус ҳайдовчиси Одилжон Абдуллаев, юк машиналарининг шофёрлари Собиржон Тўлаков ва Дилбаржон Исоқовлар Андижон вилояти автомобиль трестининг авариясиз ишлаганлиги учун нишони ва пул мукофотини олишга муваффақ бўлдилар.

Автохўжаликда ака-ука Тоҳиржон ва Домлажон Муллажоновлар ҳам меҳнат қилишади. Тоҳиржон 22 йилдан бери шу автохўжаликда ишлайди. Аввалига бир неча йил юк машинасини бошқарди. Ўн йилдан ортдики, автобус ҳайдаб йўловчиларга беминнат, ҳалол хизмат қилаётир. Яқинда Пахтаобод—Тақачи—Маданият йўналиши бўйича қатнаётган Тоҳиржон Муллажоновга йўловчилардан миннатдорлик хати келди. Укаси Домлажон Муллажонов номига ҳам Пахтаобод—Озод—Шодмонбек йўналишида қатнаётган пайтида йўловчиларга нисбатан хушмуомаласи ва ҳалол хизмати учун ташаккурнома хатлари келиб туради.

**Тўхтасин ҚУРБОНОВ.**

# «ПАХТАКОР» МОСКВАДА

Кеча Москвадаги «Динамо», «Спартак», МАСК ёпиқ спорт залларида бу йил илк марта ўтказилаётган Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирган республикаларнинг чемпионлари соврини учун мусобақалар бошланди. Улар орасида Тошкентнинг «Пахтакор» командаси ҳам бор. Ҳамюртларимиз илк учрашувни Грузия чемпиони «Динамо» жамоаси билан ўтказадилар.

Ўрни келганда эслатиб қўйишимиз керакки, ҳамдўстлик чемпионлари соврини бир неча гуруҳларга бўлиб ўтказилмоқда. Пахтакорчилар «В» гуруҳидан ўрин олдилар. Унга ҳамюртларимиздан ташқари Тбилисининг «Динамо», Кишинёвнинг «Зимбрул» ва Ашгабаднинг «Копетдоғ» жамоалари ҳам кирганлар.

Энди бошқа командалардаги ўзгаришларга тўхталайлик. Ўтган йили Наманганнинг «Навбаҳор» клубига устозлик қилган спорт устаси Биродар Абдураимов «Пахтакор-79» жамоасига бош мураббий этиб тайинланди. Унинг айтишича, ўғли Жасур билан Улуғбек Рўзимов ҳам устози билан бирга «Пахтакор-79» жамоаси шарафини ҳимоя қилишга қарор бердилар. Ўтган йили мазкур команда таркибида ўйнаган Аъзамов, Ҳамдамов, Дадаматовлар бошқа клубларга ўтиб кетишди. «Навбаҳор»нинг етакчи ўйинчилари дарвозабон Башкевич, ҳимоячи Арслонов, ҳужумчи Забировлар Россияга кетиш ниятини билдиришди.

Ўтган йили «Пахтакор» қатори Ўзбекистоннинг илк чемпиони унвонига сазовор бўлган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси таркибида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Стасюк, Роткович, Рязанцевлар командани тарк этдилар. Стасюк бундан кейин футбол ўйнамасликка қарор қилди. Роткович ватани — Беларусга кетди. Рязанцевнинг «Нефтчи» билан тузган шартномаси тугади. Уларнинг ўрнига командага Самарқанддан Горвиц, Карпенко, Янгиердан Давлатов, Шамсиев, Тошкентдан Ивановлар таклиф этилдилар.

Қисқаси, футбол жамоаларида мавсумга тайёргарлик қизғин давом этмоқда.


Бош муҳаррир ўринбосари М. ҚАЮМОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Х. РАҲМАТИЛЛАЕВ, Т. ҚЎШАЕВ, Н. ЁҚУБОВ (бош муҳаррир). С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, Т. СОЛИЕВ, Р. ТУРСУНОВ, К. РИХСИЕВ Э. ИБРОҲИМОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовощвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.



Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Ленинград кўчаси, 32. Нашр кўрсаткич — 64.602. 1 2 3 4 5 6

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 22.00 Буюртма Г—09.